

Тадбирлар

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, уларнинг маънавияти, бадиний-эстетик диди ва савиясини юксалтиришга давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда мамлакатимизда ўтказилаётган кўрик-танловлар, ижодий лойиҳалар, фестивал ва концертлар ўғил-қизларни юксак инсоний фазилятлар соҳиблари этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



бошлиги Жаннат Муродбекова. — Истеъдодли ёшларимизнинг кўзидаги қувончи, қалбидаги шижоатини маҳорат билан ижро этган асарларида кўришингиз мумкин. Юртимизда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор, уларга яратилаётган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишлари бизни қувонтирмоқда. Уйлайманки, уларнинг келажаклари янада порлоқ бўлиши билан бирга истеъдодлари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда ҳам эътироф этилади.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ана шундай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиши келгусида ўз самарасини бериши аён.

Ҳабиба Йўлдошева
Алексей Попов олган сурат

Франциянинг Монпелье шаҳрида мукофот жамғармаси 560.152 АҚШ долларини ташкил қилган халқаро теннис турнири бошланди.

МОНПЕЛЬЕ ТУРНИРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Мазкур мусобақада Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин ҳам голиблик учун кураш олиб бормоқда. Яқкалик баҳсларида олтинчи рақам остида сараланган ҳамюртимиз биринчи даврада Малек Жазирига (Тунис) қарши кортга тушади.

Эслатиб ўтамиз, Денис Истомин ушбу турнирнинг жуфтликлар мусобақасида ҳам ўз имкониятини синая қўради. Юртдошимиз худди яқкаликда бўлгани каби жуфтликлар баҳсида ҳам 6-рақам остида таснифланган. У россиялик Александр Кудрявцов билан бирга илк даврада турнирнинг биринчи рақамли жуфтлиги — Доминик Инглот (Буюк Британия) ҳамда Мергеа Флорин (Руминия) дуэти билан куч синаяди.

БОШ СОВРИНИ КЎЛГА КИРИТДИ

Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рашид Қурбонов Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилаётган «Paris Grand Prix» халқаро мусобақаларида бош совринни кўлга киритди.

Ўзбекистонлик полвон 74 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги финал беллашувида россиялик Осмон Исаков устидан 10:2 ҳисоби билан ишончли ғалабага эришиб, мусобақа олтин медалига сазовор бўлди. «Туркистон-пресс»

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги «Аҳолини зилзилалар оқибатида юзга келган фавқулодда вазиятларда (табiiй ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг қўйи тизимлари томонидан фуқаро муҳофазасини таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан маҳалла фаоллари, тиббиёт хизмат ҳамда таълим даргоҳлари ва мактабгача таълим муассасаларида таълим олувчи ҳамда тарбияланувчилар билан жойларда учрашувлар ўтказилаётгани фуқаро муҳофазасини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Тошкент шаҳар ФВБ Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан фуқаро муҳофазаси, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича пойтахтнинг аҳолисини тайёрлашдан ўтказиш машғулотлари режага кўра олиб борилиб, тингловчиларда қизиқиш уйғотаяпти.

Марказ ходимлари томонидан жорий йилда белгиланган иш режасига асосан пойтахт худудида жойлашган корхона, муассаса, ташкилотларда фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга қари қилиш бўйича пойтахтнинг аҳолисини тайёрлашдан ўтказиш машғулотлари режага кўра олиб борилиб, тингловчиларда қизиқиш уйғотаяпти.

Марказ ходимлари томонидан жорий йилда белгиланган иш режасига асосан пойтахт худудида жойлашган корхона, муассаса, ташкилотларда фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга қари қилиш бўйича пойтахтнинг аҳолисини тайёрлашдан ўтказиш машғулотлари режага кўра олиб борилиб, тингловчиларда қизиқиш уйғотаяпти.

Қизамиқ ўткир юқумли касаллик бўлиб, махсус тошма ҳамда кўзларнинг конъюнктивлари ва юқори нафас йўллари шиллиқ қатламнинг зарарланиши билан ажралиб туради.

Ушбу хасталик ҳаво йўллари орқали тарқалади. Организмга қизамиқ вируси юқори нафас йўллари орқали шиллиқ қатлами орқали ўтиб, у ердан қонга ўтиш орқали бутун организм бўйлаб тарқалади. Вирус истаган тери ҳужайраларини, кўзларнинг шиллиқ қобиғини, нафас йўллари ва оғиз бўшлиғини зарарлантиради. Касалликнинг яширин инфекция даври 9-11 кунни ташкил этади. Яширин даврнинг иккинчи ярмидан илк белгилар вужудга келиши мумкин (бир ёшгача бўлган болаларда тана вазнининг камайиши, йўтал ва бурун оқиши, пастки кўз қовоғининг шишиши, кўзлар конъюнктивларининг қизариши).

Касалликнинг бошланғич даврида тана ҳарорати 38-39 С° гача кўтарилди, бўшашиш, қуватсизлик, иштаҳанинг бўғилиши кузатилади. Йўтал қалинлашади, бурун оқиши ва кўзлар конъюнктивларининг қизариши кучаяди. Ҳар бир касалликнинг аниқ ташхисини фақат шифокор белгилайди. Ўзингиз ҳал этиб, болани даволай кўрманг.

Мутахассис маслаҳати ҚИЗАМИҚДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ

Бу унинг ҳаёти учун хавфлидир. Қизамиқ касаллигини шифокор махсус тошмалар орқали аниқлай бошлайди. Касалланишнинг 3-4 кунига келиб иситма бир оз пасаяди, лекин тошмалар ҳисобига яна кўтарилади. Нафас йўллари зарарланади. Тошмалар босқичма-босқич даврга эга бўлиб, аввал юз ва бўйинда, иккинчи кун танада, кўлларда, учинчи кун оёқларда вужудга келади. Юзлардаги эса оқаришни бошлайди. Одатда тошмаларнинг аксарият қисми юз, кўкракнинг тепа қисми ва бўйинга тўғри келади.

Қизамиқнинг типик белгиси бу конъюнктивит, аксарият ҳолларда йиринг табиигага эгадир. Эрталабки пайтда шу сабабли киприклар бир бирига ёпишиб қолиши кузатилади. Йирингли инфекциянинг қатламланиши ўпка шомоллашини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Оғир асорат сифатида марказий нерв тизимининг зарарланиши саналади, лекин бундай ҳолатлар жуда кам учрайди.

Болани ҳар қандай ҳолатда шифокор назоратидан ўтказинг. Аниқ ташхисни фақат у белгилайди. Болани доим тоза ҳавода сайр эттиринг. Сифатли ва турли-туман озик-овқатлар билан таомномасини бойитинг. Унинг иммунитетни бақувват бўлса аксарият касалликлардан йироқ бўлади.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ 13-15 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 5 февраль ва 6 февралда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

«Қибрай» клиник санаторийси юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиаҳатхонадир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етуқ мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайди. Фин, турк, япон сауналари, бассейн, жакузи ванналари, фитобочка, инфракрасил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди. Сиаҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маийий электр асбоблари билан жиҳозланган. Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.